

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг Навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши томонидан  
2014 йил «3» сентябрдаги  
АС-3/2014-сонли Баённома**

**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ  
(янги тахрирда)**

**Тошкент шаҳри – 2014 йил**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) коллегиял ижроия органи ҳисобланган Бошқарувининг мақомини, уни аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Банкни ушбу бошқарув органининг ишлаш тартиботини белгилайди.

1.2. Банк Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк устави ва ушбу Низом билан белгиланган доирада Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади.

1.3. Бошқарув Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк кенгаши олдида ҳисобдордир.

1.4. Бошқарувнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича Банкнинг барқарор динамик ривожланишини таъминлаш;

- Банкнинг молия бозоридаги ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг томонидан миқдорлари олдидаги мажбуриятлари бажарилиши, уларга хизмат кўрсатиш сифатининг ҳар тарафлама оширилиши;

- Банкнинг тезкор фаолиятига раҳбарликни ташкил қилиш ва амалга ошириш.

## **2. БОШҚАРУВНИ ТАЙИНЛАШ (САЙЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

2.1. Бошқарув 7 (етти) кишидан иборат бўлиб, улар бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади).

Бошқарув таркибига Бошқарув Раиси, Бошқарув Раиси ўринбосарлари, шунингдек, банк фаолиятининг энг муҳим йўналишларини таъминловчи Банк ташкилий тузилмаларининг бошқа раҳбарлари киради.

2.2. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда Банк Кенгашининг қарори билан тайинланади ва кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув Раисининг тасдиқланиши йиғилишда иштирок этаётган оддий овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан амалга оширилади.

Бошқарув Раисини кейинги қайта сайлаш/эгаллаган лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2.3. Бошқарув аъзоларини (Бошқарув Раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), шунингдек, уларнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш Банк Кенгашида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан амалга оширилади.

Банк Бошқаруви аъзолигига сайлаш учун номзодлар Банк Кенгашига Бошқарув Раиси томонидан тақдим этилади. Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк Кенгаши тарафидан яқка тартибда амалга оширилади.

2.4. Бошқарув Раиси ёки аъзолигига номзод Банк Кенгаши аъзоларини ўзининг жиноий, маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиши керак.

2.5. Банк Бошқаруви Раиси лавозимига номзод акциядорларнинг умумий йиғилишида ўзининг номзоди кўриб чиқиладиганда ҳозир бўлиши мумкин, Банк Бошқаруви аъзолигига номзодлар ҳам ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда Кенгаш мажлисида ҳозир бўлишга ҳақли.

2.6. Бошқарув Раиси ёки аъзолигига биронта номзодни тақдим этишда Кенгаш Раиси шартномани тузиш шартлари, иш ҳақининг миқдори, бошқарувчилик фаолияти учун мукофот ва компенсациялар ҳамда номзодни шартномани тузишга унинг шахсий аризаси билан тасдиқланган розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.7. Бошқарув Раиси ёки аъзоси лавозимига номзод сайланганидан (тайинланганидан) сўнг Банк Кенгашининг Раиси ёки Банк Кенгаши томонидан ваколатланган шахс Банк номидан уларнинг ҳар бири билан Бошқарув Раиси ёки аъзоси вазифаларини бажаришга бир йиллик муддатга шартнома (келишув) тузади, ҳар йили уни узайтириш ёки тўхтатиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади. Қачонки Бошқарувнинг сайланган аъзоси меҳнат шартномаси бўйича Банкда бошқа лавозимни эгаллаб турган бўлса келишув тузилади, акс ҳолда Банк Бошқаруви аъзоси билан лавозими бўйича муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Бошқарув Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ва Банкни йиллик бизнес-режасини бажарилиши тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши олдида ҳисоб беришининг даврийлиги назарда тутилиши лозим.

2.8. Бошқарув таркибига сайланган шахслар чекламган марта қайта сайланишлари мумкин.

2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган шартномани унинг тарафидан шартнома шартлари бузилганда тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.10. Кенгаш Банк Бошқарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилганда улар билан шартномани тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.11. Банк Кенгаши Бошқарув Раиси томонидан Банк устави қўпол бузилганда ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зиён етказилганда у билан тузилган шартномани муддатидан илгари тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув Раиси билан шартномани тўхтатиш (бекор қилиш) ва Банк Кенгаши томонидан Бошқарув Раиси ва аъзолари билан шартномани тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув Раиси ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда Банк Бошқарув Раиси ваколатларини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги масала айнан шу йиғилишнинг ўзида ҳал қилиниши ёки Банк Бошқарув Раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаган ҳолда кейинги акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

2.14. Бошқарув аъзоси ваколатларни тўхтатилиши Банкда эгаллаб турган тегишли лавозимдан бўшатишга олиб келмайди, лавозим бўйича Бошқарув

Раисининг ўрибосарлари бундан мустасно. Бошқарув аъзосининг Банкда меҳнат фаолиятини тўхтатиши Бошқарувда аъзолик тўхтатилишига олиб келади.

2.15. Бошқарув аъзосининг ваколатлари Банк Кенгаши қарорида белгиланган санадан, белгиланмаган тақдирда эса Банк Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинган кундан ёки ушбу Низомнинг 2.14-бандида назарда тутилган ҳолатда меҳнат шартномаси (келишуви) тугатилган кундан ҳисобланади.

2.16. Мажлисларни ўтказиш чоғида ва мажлислар ўртасидаги даврда Бошқарув фаолиятини таъминлашни, шунингдек, Бошқарув мажлисларини тайёрлаш бўйича ташкилий-услубий ишларни Бошқарув аъзоси ҳисобланмаган ва Бошқарув томонидан тайинланадиган Бошқарув котиби амалга оширади.

2.17. Бошқарув котиби вақтинчалик бўлмаган пайтда номзоди Бошқарув Раисининг таклифи билан навбатдаги мажлисда Бошқарув томонидан тасдиқланадиган Банк ходими бажаради, бу тўғрисида Бошқарув мажлиси баённомасида қайд қилинади.

2.18. Бошқарув котиби:

ушбу Низомда назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш учун Бошқарувга киритиладиган масалалар сонидан Бошқарувни навбатдаги мажлисининг кун тартибини шакллантиради ва уни тасдиқлаш учун Бошқарув Раисига тақдим этади;

Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум мавжудлиги тўғрисида Бошқарув Раисини хабардор қилади;

Бошқарув мажлиси баённомаларини юритади ва тузади;

Кўриб чиқиш учун Бошқарувга тақдим этиладиган материалларнинг ҳисобини юритади ва сақлайди;

Бошқарув аъзолари ва мажлисга таклиф этилган шахсларни Бошқарув мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва вақт тўғрисида хабардор қилади ва мажлис кун тартиби масалалари бўйича Бошқарув аъзоларига материалларни жўнатади;

Бошқарув мажлиси кун тартиби масалаларини тайёрлашда ва Бошқарув мажлисларини ўтказишда Бошқарув аъзоларига техник ва ташкилий кўмак беради;

Бошқарув мажлислари баённомаларини, Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмаларни тайёрлайди ва имзолайди, шунингдек, Бошқарув мажлислари баённомаларининг нусхаларини шаҳодатлайди;

Банкда белгиланган тартибда бажарилишини таъминлаш мақсадида Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмаларни жўнатади;

Банкнинг мустақил таркибий, алоҳида ва ички бўлинмаларининг сўрови бўйича уларга Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмаларни тақдим қилади;

ушбу Низом, шунингдек, Банк Бошқарув қарори билан Бошқарув котибига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

### **3. БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

3.1. Банк Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда беистисно Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши, Банкка нисбатан виждонан ва оқилона ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва ўз мажбуриятларини бажариши лозим.

3.2. Банк Бошқарувининг ваколатлари:

Банкни жорий фолиятига самарали тезкор бошқарувни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Банк Тафтиш комиссиясининг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Банк ҳисоботларини, жумладан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботларни кўриб чиқиш;

бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботларни чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фойдалилиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Банкни жорий хўжалик сиёсатини ишаб чиқиш ва амалга ошириш;

Банк хизматларига бўган талабнинг ривожланиш истиқболларини, уни фаолиятининг янги йўналишларини белгилаш;

Банкда хизматларнинг янги турларини жорий қилиш тартибини белгилаш ва улар бўйича тегишли ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

молиявий хизматлар бозорида Банкнинг ҳаракат тактикасини ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Банкда ташқи аудиторлик ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказиладиган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар режасини кўриб чиқиш учун Банк Кенгашига киритиш, юқорида кўрсатилган тадбирлар режасини бажариш бўйича ишларни ташкил қилиш;

аудиторлар тарафидан аниқланган камчиликлар баратараф қилинишини ташкил қилиш, шунингдек, Банкни аудиторлар томонидан ўтказилган текшируви яқунлари бўйича бажарилган иш натижаларини кўриб чиқиш учун Банк Кенгашига киритиш;

Банк фаолиятининг истиқболли ва жорий бизнес-режаларини ишлаб чиқиш;

Банк хизматларига белгиланадиган нарх ва тарифларни тасдиқлаш;

Банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга солувчи Банк ички ҳужжатларини, йўриқнома, қоида, тартибларнинг намунавий шаклларини, Банк Бошқаруви ваколатига кирувчи бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш;

меҳнат жараёнини ташкил этишнинг, жумладан, меҳнат тартиб-қоидаларининг, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасининг, ижтимоий ривожланишнинг, шунингдек, Банк ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг асосий масалаларини ҳал қилиш;

эҳтимолли зиёнларни қоплаш захираси ҳисобидан «умидсиз» активларни қоплаш тўғрисида қарор Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинади, бу тўғрида Банк Бошқаруви уч кунлик муддат ичида Банк кенгашини хабардор қилади;

Банк фаолияти ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш, шу жумладан:

а) банк амалиёти ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимлаш;

б) ахборот оқимларини бошқариш (ахборотни олиш ва узатиш) ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

банк таваккалчиликларини бошқариш ва банк таваккалчиликларини баҳолаш жараёнида иштирок этиш;

Банк Кенгаши қарорларини бажарилиши, Банк стратегияси ва сиёсатини амалга оширилиши устидан жавобгарликни ўрнатиш;

Банк фаолияти самарадорлигини даврий равишда баҳолаш материаллари ва натижаларини кўриб чиқиш;

Банкда зарур маълумотларни улардан манфаатдор фойдаланувчиларга келиб тушишини таъминловчи самарали ахборот узатиш ва алмашиш тизимини яратиш. Ахборот узатиш ва алмашиш тизими ўз таркибига Банк амалиёт сиёсати ва фаолияти тартиботини белгиловчи барча ҳужжатларни олади;

банк таваккалчиликларини самарали бошқариш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан:

а) банк таваккалчиликларини бошқаришнинг Банк Кенгаши тарафидан тасдиқланадиган асосий тамойилларига риоя қилиш мақсадида банк таваккалчиликларини бошқариш қоидалари ва тартиботини белгиловчи ички ҳужжатлар қабул қилинишини таъминлаш;

б) турли даражадаги бўлинмалар раҳбарларининг ўртасида банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича ваколат ва жавобгарликни тақсимлаш, уларни зарур ресурслар билан таъминлаш, ўзаро ҳаракат ва ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, устав ва Банк ички ҳужжатларига мувофиқ ўзга ваколатлар.

3.3. Бошқарув аъзолари ва Бошқарув Раиси томонидан бир пайтнинг ўзида бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозим эгаллашга фақат Банк Кенгашининг розилиги билангина йўл кўйилади.

Бошқарув қарорларини Банкнинг барча бўлинмалари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Банк Бошқаруви қуйидагиларга ҳақли:

Банкнинг барча бўлинмалари ва ходимларидан Бошқарув қарорларини бажаришларини талаб қилиш;

Банк бўлинмалари ходимларидан Бошқарув тарафидан ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур маълумот, материал, маълумотнома, тушунтириш ва ш.к. тақдим этилишини талаб қилиш;

зарурат юзага келганда Банкнинг исталган ходимларини Бошқарув ишида иштирок этиш учун таклиф қилиш ва уларни ўз мажлисларида тинглаш;

Бошқарув фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича масалаларни кўриб чиқиш учун ишчи органлар ёки гуруҳларни ташкил қилиш.

Бошқарув Раисининг қарори билан айрим бўлинмалар ёки яхлит Банк бўйича иш якунлари муаммоли активларни қисқартириш бўйича чоратадбирларнинг самаралилиги ва етарлигигини баҳолаш мақсадида кўриб чиқиш учун Бошқарувга киритилиши мумкин.

3.4. Бошқарув аъзолари қуйидагиларга ҳақли:

Банкнинг коллегиял ижроия органи таркибида ҳаракат қилиб, Банкни жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш масалаларини ҳал қилиш;

Банк фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўлиқ ҳажмда олиш ва сўраб олиш, Банкнинг ҳар қандай ички ва ўзга ҳужжатлари билан танишиш;

маълумотномалар тақдим қилиш, баёнот бериш, Бошқарув мажлиси кун тартиби масалалари бўйича таклифлар киритиш;

Бошқарув ишининг чораклик режасини, Бошқарув мажлиси кун тартибини шакллантириш бўйича ёзма таклифлар киритиш;

Бошқарув мажлиси чакртирилишини талаб қилиш;

Бошқарув қарорларига норозилигини ёзма кўринишда билдириш ва уни Банк Кенгаши эътиборига етказиш;

кун тартибидаги масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Бошқарув мажлиси баённомасига киритилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, мазкур Низом ва уларнинг ҳар бири билан Банк ўртасида тузиладиган шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

3.5. Бошқарув Раиси ва аъзолари ўз ваколатларини амалга оширишда қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари, Банк Устави ва ички ҳужжатлари, шунингдек, Банкнинг ўзга бошқарув органлари қарорларининг талабларига риоя қилиш;

ўзларининг манфаатлари билан Банк акциядорлари, кредиторлари ва мижозларининг манфаатлари тўқнаш келишига олиб келиши мумкин мажбуриятларни зиммасига олмаслик ва шундай хатти-ҳаракатларни содир этмаслик;

Банкка нисбатан ҳолисликка риоя қилиш ва Банк имкониятларидан, жумладан, Банкнинг мол-мулки, Банкка тегишли мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, Банкнинг режа ва ниятлари тўғрисидаги инсайдерлик ахборотидан Банк Устави ва ушбу Низомда назарда тутилгандан ўзга мақсадларда фойдаланмаслик, жумладан, ўзи эгаллаган лавозимдан ва Банк фаолияти тўғрисида олинган ахборотдан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкнинг қимматли қоғозларига эгаллиги, шунингдек, Банкнинг қимматли қоғозларини сотгани ва/ёки сотиб олгани тўғрисида ахборотни ошкор қилиш;

Банкнинг банк, тижорат сирӣ, махфӣ ахбороти, шунингдек, очиқ кириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банкнинг ички ҳужжатлари ва/ёки Банк бошқаруви органлари билан чекланган бошқа маълумотлардан эркин фойдаланишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва/ёки Банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган талаб ва тартибга риоя қилиш;

Бошқарув аъзоси вазифасини бажариш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган Банкнинг банк, тижорат сирини, махфӣ ахборотни, шунингдек, очиқ кириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банкнинг ички ҳужжатлари ва/ёки Банк бошқаруви органлари билан чекланган бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик;

Бошқарувга кўриб чиқиши учун масалаларни киритиш учун, агар ушбу масалаларни ҳал этишда сусткашлик Банк учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлса, зарур хатти-ҳаракатларни содир этиш;

Бошқарув мажлисларида ҳозир бўлиш, кун тартиби масалаларини муҳокамасида иштирок этиш ва кўриб чиқилаётган масалаларнинг моҳияти бўйича фақат далиллар билан тасдиқланган важ ёки эътирозларни айтиш, кун тартиби масалалари бўйича қарор қабул қи лишда овоз бериш;

Бошқарув мажлислари баённомаларига виза кўйиш;

даставвал Бошқарувни ёзма кўринишда (бевосита ёки Бошқарув котиби орқали) қуйидагилар тўғрисида хабардор қилиш:

- ўзларига маълум ва ўзлари аффилиланган шахс деб топилиши мумкин бўлган, амалга оширилаётган ёки мўлжалланаётган битимлар;

- ўзининг бошқа юридик шахс таъсисчиси/иштирокчиси/акциядори бўлиш нияти;

- Банк акциялари билан битим тузиш нияти;

Бошқарувга (бевосита ёки Бошқарув котиби орқали) ёзма шаклда қуйидаги ахборотни тақдим этиш:

- шахсий маълумотлар, иш жойи тўғрисида маълумотлар, Бошқарув аъзоси этиб тайинланганидан сўнг ўзининг аффилиланган шахслари тўғрисида маълумотларни бир қарра, сўнг тегишли ўзгаришлар юз берган санадан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечикмасдан;

- акцияларни харид қилиш санасидан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечикмасдан ўзига тегишли Банк акциялари тўғрисида, уларнинг миқдори ва тоифаси (тури)ни кўрсатган ҳолда;

- Бошқарув аъзосининг фикри бўйича Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларини бажариш ва Банкни ўз мақсадларига етиши учун муҳим аҳамиятга эга бошқа ахборот;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, ушбу Низом, Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси Банк билан тузган шартномада назарда тутилган ўзга вазифаларни бажариш.

3.6. Банк Бошқаруви аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз вазифаларини бажармаганлиги ва/ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

3.7. Бошқарув мажлисида Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви аъзолари жавобгар бўлмайди.

3.8. Банк Кенгаши қарори билан Бошқарув аъзоларига улар томонидан ўз вазифаларини бажарган даврда Бошқарув аъзолари вазифаларини ижро этишлари билан боғлиқ мукофот тўланиши ва (ёки) ҳаражатлари қопланиши мумкин.

3.9. Бошқарувни иш ҳақи ва мукофотларининг миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига бевосита боғлиқ.

#### **4. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4.1. Банк Бошқаруви Раиси Банк Бошқаруви ишини ташкиллаштиради ва унга раҳбарлик қилади, Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари Банк жорий фаолиятининг барча масалаларини ҳал қилади, жумладан, қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Банк номидан битимлар тузади ва ҳужжатларни имзолайди;

Банкнинг филиалларини очиш бўйича тайёргарлик ишларини ташкил қилади;

штатларни тасдиқлайди, Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;



Банк таркибий тузилмаларининг раҳбарларини тайинлайди (Банк Ички аудит хизмати раҳбаридан ташқари), жумладан, Банк филиаллари ёки ваколатхоналарининг раҳбарларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки билан келишилган ҳолда), бош бухгалтерларини тайинлайди;

Банкнинг таркибий тузилмалари тўғрисидаги Низомларни (Банкнинг Ички назорат хизмати ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомлардан ташқари), Банк ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Банкнинг таркибий тузилмалари ва Банк ходимлари ўртасида муайян йўналишлар бўйича вазифаларни тақсимлайди;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланидаган барча маҳаллий ҳужжатларни имзолайди;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ва ўз ваколати доирасида Банкнинг мол-мулки ва пул маблағлаини бошқаради;

Банк номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, уларни рағбатлантиради ва интизомий жазога тортади;

Банк номидан Банк филиалларининг раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди;

Банкнинг ривожланиш стратегияси ва уни ҳал қилиш усуллари бўйича Банк Кенгаши мажлисларига таклифлар киритади;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши мажлисларига тайёргарликни ва уларнинг ўтказилишини, шунингдек, уларнинг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, устав ва Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат (ҳуқуқлар).

## **5. БАНК БОШҚАРУВИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

5.1. Банк бошқарувининг мажлислари зарурат юзасидан, аммо ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан ҳал қилиниши учун Кенгаш ёки акциядорларнинг умумий йиғилишига олиб чиқиладиган масалалар дастлаб мажбурий тартибда Банк бошқаруви мажлисида муҳокама қилинади. Кенгаш мажлисида ёки акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк бошқарувининг нуктаи назарини Бошқарув Раиси ёки унинг томони билан ваколатланган Бошқарув аъзоси билдиради ва ёқлаб чиқади.

5.2. Бошқарув мажлисида муҳокама учун масалаларни Бошқарув Раиси, Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Банкнинг Тафтиш комиссияси, Банк бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари таклиф этишга ҳақли.

5.3. Банк Бошқаруви унинг мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни, мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоиздан ортиғи иштирок этгандагина ҳал қилишга ҳақли бўлади. Агар Бошқарув аъзоларининг сони кворумни ташкил этувчи ушбу миқдордан кам бўлиб қолса, Банк Кенгаши Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.4. Бошқарув мажлисларида масалаларни ҳал қилишда унинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

5.5. Барча қарорлар Бошқарув томонидан мажлисда ҳозир бўлган Бошқарув аъзолари сонига нисбатан оддий кўпчилик овоз билан қабул

килинади. Бошқарув аъзолари овозларининг сони тенг келганда Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.6. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича барча масалалар масъул таркибий бўлинмалар томониан тайёрланади ва зарур бўлса, Банкнинг бошқа манфаатдор бўлинмалари билан келишилади. Материаллар, шунингдек, уларни тайёрлаш учун масъул таркибий тузилмани назорат қилувчи Бошқарув аъзоси билан ҳам келишилади ва мажлис бошланишидан аввал уч кундан кечиктирмасдан Бошқарув котибига тақдим этилади.

5.7. Тақдим этилаётган материаллар қисқа, шу билан бирга кўриб чиқиш учун Бошқарувга киритилаётган масалаларнинг ҳар тарафлама таҳлилини ўз ичига олган бўлиши лозим. Банк амалиёти ва битимларини амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилганда, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда материаллар зарур ҳисоб-китоблари келтирилган иқтисодий асосланган далилларни ўз ичига олган бўлиши керак.

5.8. Бошқарув қарорларининг лойиҳалари Банк фаолиятининг ҳуқуқий таъминотини амалга оширувчи таркибий бўлинма, бошқа манфаатдор таркибий бўлинмалар ва Бошқарув аъзолари билан келишилган бўлиши керак.

5.9. Кўриб чиқиш учун Бошқарувга юборилиб, келиб тушган материалларни ҳисобга олган ҳолда Бошқарув котиби Бошқарув мажлисининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун уни Бошқарув Раисига тақдим қилади.

Бир пайтнинг ўзида Бошқарув Раисига, тегишли масалаларни кўриб чиқшда Бошқарув мажлисида ҳозир бўлиши лозим таркибий тузилмаларнинг раҳбарлари ва ходимларининг рўйхати тасдиқ учун тақдим этилади.

5.10. Бошқарув мажлиси ўтказилиши тўғрисида Бошқарув котиби, унинг иштирокчиларини аввалдан, Бошқарув мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жойни билдирган ҳолда хабардор қилади, шунингдек, Бошқарув мажлиси кун тартибидеги масалалар бўйича материалларни Бошқарув аъзоларига ҳамда Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида Бошқарув мажлисига таклиф этилаётган шахсларга жўнатилишини ташкил қилади.

Бўлғуси Бошқарув мажлисининг кун тартиби билан боғлиқ барча хабарнома, билдиришнома ва бошқа зарур ҳужжатлар Бошқарув котиби томонидан Бошқарув аъзоларига электрон почта орқали жўнатилади.

5.11. Бошқарув мажлислари ўтказилишини Бошқарув Раиси ташкил қилиб, мажлислар чоғида раислик қилувчи вазифасини бажаради. Бошқарув Раиси бўлмаган пайтларда унинг вазифаларини, Бошқарув Раиси вазифаларини бажариш бўйруқ билан юклатилган Бошқарув аъзоси амалга оширади.

Бошқарув Раиси тезкор ҳал этишни талаб қиладиган масалаларни ҳал қилиш учун Бошқарувнинг режадан ташқари мажлисларини чақиртиришга ҳақли.

5.12. Кворму мавжуд бўлганда Бошқарув мажлислари Бошқарув Раиси томонидан очилиб, у Бошқарув аъзоларидан ушбу мажлиснинг кун тартибини тасдиқлашни сўрайди.

Бошқарув мажлиси чоғида, Бошқарув Раиси ёки Бошқарув аъзосининг таклифи бўйича, ҳозир бўлган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан тегишли қарорни қабул қилиш йўли билан тасдиқланган кун тартибига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

5.13. Бошқарув Раиси, шунингдек, Бошқарувнинг исталган аъзоси мажлис чоғида Бошқарув мажлисини ўтказиш тартиби, жумладан, қарор қабул қилинишини кечиктириш, музокараларни тўхтатиш ва тартиботга оид бошқа масалалар бўйича таклифлар киритиши мумкин.

5.14. Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув котиби томонидан мажлис ўтказилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан тузилади ва Бошқарувнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

5.15. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

Бошқарув мажлиси ўтказилган жой ва вақт;

мажлисда иштирок этган Бошқарув аъзоларининг шахсий таркиби;

мажлис кун тартиби;

мажлисда иштирок этган аъзолар нутқининг асосий қоидалари;

овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари;

Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорлар.

Баённомада бошқа зарур ахборот ҳам бўлиши мумкин.

5.16. Бошқарув мажлиси баённомаларининг асл нусхалари сақланишини Бошқарув котиби таъминлаб беради. Баённомалар хронологик тартибда бошдан охиригача узлуксиз рақамланади, алоҳида йиғмажилдга терилади.

5.17. Бошқарув мажлиси баённомасининг нусхаси, Бошқарув баённомаси имзоланган кундан кейинги кундан кечикмасдан электрон почта орқали Бошқарув қарорларини бажарилиши учун масъул таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига ва Бошқарув Раисининг кўрсатмасига кўра бошқа таркибий бўлинмаларга юборилади.

5.18. Бошқарув мажлиси баённомаларининг нусхалари талаби бўйича Банк Кенгаши, тафтиш комиссиясининг аъзоларига, Банкнинг ички аудит хизматига, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахс ва органларга (жумладан, давлат органларига) тақдим этилади.

5.19. Бошқарув қарорлари бажарилиши устидан назоратни Бошқарув Раиси амалга оширади, мазкур назоратни ташкил этиш Бошқарув котиби зиммасига юклатилган. Бундай назоратни амалга ошириш доирасида Бошқарув котиби масъул бўлинма раҳбарларидан Бошқарув қарори бажарилишининг бориши тўғрисида сўрашга ҳақли. Бошқарув қарорлари бажарилиши учун масъул таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар. Белгиланган муддат якунлангандан сўнг улар Бошқарувнинг тегишли қарори бажарилгани хусусида Бошқарув котибига хабар беришлари шарт, котиб ўз навбатида мазкур ахборотни Банк Бошқаруви Раисига етказди.

5.20. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низом билан тартибга солинмаган бошқа қисмлар бўйича Бошқарув фаолиятининг тартиби ва қоидалари, шунингдек, уни мажлисларини ўтказиш регламенти Бошқарув томонидан ўз ихтиёри бўйича белгиланади.

## **6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради.

6.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмайд қолса,

ушбу Низом қонунчиликка зид бўлмаган қисмида амал қилишда давом этади. Низомнинг қонунчиликка зид тушган қоидалари кучини йўқотади ва Бошқарувнинг ушбу қисмга доир фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли қоидалари билан тартибга солинади.

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилиши томонидан  
2015 йил «15» майдаги  
АС-2/2015-сонли Баённома  
Йиғилиш Раиси  
\_\_\_\_\_ Касимов А.С.**

**«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядорлик-тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисидаги Низомга 1-сонли ўзгартириш**

1. Низомнинг 2.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.2. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Банк Кенгашининг Марказий банк билан келишилган қарори билан тайинланади, кейин акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланади. Бошқарув Раисини акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан амалга оширилади. Бошқарув Раисини тасдиқлаш танлов асосида, хорижий менежарларни тайинлаш имконияти билан амалга оширилиши ҳам мумкин.

Бошқарув Раисини қайта сайлаш/бўшатиш тўғрисидаги кейинги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.».

2. Низомга киритилган ушбу ўзгартириш Банк Уставига киртилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилиши томонидан  
2016 йил «11» майдаги  
АС-1/2016-сонли Баённома**

**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисида Низомга 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Низомнинг 1.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига, шунингдек бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, коллегиял ижро органи ҳисобланган «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда - Банк) Бошқарувининг мақомини, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тартибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, Банкнинг мазкур бошқарув органи ишини тартибга солади.».

2. Низомнинг 1.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.2. Банк бошқаруви Банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади, Банк Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида, Уставда ва Банкни ривожлантириш режаларида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан мустақил қарорлар қабул қилади.».

3. Низомнинг 3.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.6. Банк Бошқарувининг аъзолари ўз мажбуриятларини малакали асосда амалга оширадilar, қонунчиликдан, Уставдан ва Банк бошқарув органларининг қарорларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни оқилона бажарадилар. Банк Бошқарувининг аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлик ва/ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар. Бу ҳолда жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви аъзолари жавобгар бўлмайди, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 90-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.».

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг  
2017 йил «29» сентябрдаги  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
(04.10.2017й. АС-3/2017-сонли Баённома)**

**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисида Низомга 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Низомнинг 3.2-банди куйидаги таҳрирдаги 28-хатбоши билан тўлдирилсин:**

«Банк депозит сертификатларини чиқариш бўйича қарор қабул қилиш, депозит сертификатларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартларини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;».

**2. Низомнинг 3.2-бандидаги 28-хатбоши 29-хатбоши деб ҳисоблансин.**

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
ягона акциядор қарорига  
4-сонли илова

"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
2019 йил 04 январдаги  
ягона акциядорнинг АС-2/2019 сонли  
қарори билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисида Низомга 4-сонли ўзгартириш**

1. Низомнинг 2.2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.2. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори йиғилишда иштирок этаётган оддий овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан тайинланади.

Бошқарув Раисини кейинги қайта сайлаш/эгаллаган лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарорлар Банк Кенгашиининг Банк Бошқарув Раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш/тугатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.».



**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки  
Бошқаруви тўғрисидаги Низомга 5-сонли қўшимча ва ўзгартириш**

**1. Низомнинг 2.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«2.2. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори йиғилишда иштирок этаётган оддий овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан тайинланади.

Бошқарув Раисини сайлаш бўш ўрин пайдо бўлган тақдирда конкурс саралаш асосида амалга оширилади, Банк юқори бошқарув органи томонидан бошқа қарор қабул қилиниши бундан мустасно.

Бошқарув Раисини кейинги қайта сайлаш/эгаллаган лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарорлар Банк Кенгашиининг Банк Бошқарув Раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш/тугатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.».

**2. Низомнинг 2.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«2.3. Бошқарув аъзоларини (Бошқарув Раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), шунингдек, уларнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш Банк Кенгаши йиғилишида ҳозир бўлган Банк Кенгашининг кўпчилик овози билан амалга оширилади. Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига бўш ўрин пайдо бўлган тақдирда Банк Кенгаши томонидан конкурс саралаш ўтказилади, Банк Кенгаши томонидан бошқа қарор қабул қилиниши бундан мустасно.

Банк Бошқаруви аъзолигига сайлаш учун номзодлар жамиятнинг овоз берувчи камида 10% акцияларга эгалик қилувчи Банк акциядорлари, Бошқарув Раиси ва номзодларнинг ўзи томонидан тақдим этиши мумкин.

Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк Кенгаши томонидан яқка тартибда амалга оширилади.».

**3. Низом қуйидаги таҳрирдаги 2.10<sup>1</sup>-банди билан тўлдирилсин:**

«2.10<sup>1</sup>. Суд Банк бошқаруви аъзосини Банкка мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.».

#### **4. Низомнинг 3.7-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:**

«3.7. Банк Бошқаруви аъзоси Банкка чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.».

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ**  
**Бошқаруви тўғрисидаги Низомга 6-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Низомнинг 1.1 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли ва 20.04.2018 йилдаги 15-сонли мажлис баёнлари билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари, шунингдек бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, Банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, коллегиял ижро органи ҳисобланган “ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда - Банк) Бошқарувининг мақомини, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тартибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, Банкнинг мазкур бошқарув органи ишини тартибга солади.”.

**2. Низомнинг 2.2 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.2. Бошқарув Раиси ва аъзоларини ўз лавозимларига акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори йиғилишда иштирок этаётган оддий овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан тайинланади.

Бошқарув Раиси ва аъзоларини кейинги қайта сайлаш/эгаллаган лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарорлар Банк Кенгашиининг Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш/тугатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.”.

**3. Низомнинг 2.3 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.3. Бошқарув Раиси ва аъзолари лавозимларига номзодларни чиқариш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.”.

**4. Низомнинг 2.5 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.5. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин.”.

**5. Низомнинг 2.10<sup>1</sup> банди олиб ташлансин.**

## **6. Низомнинг 2.9-2.12 бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.10. Банк Бошқарув Раиси (аъзоси) билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

- Бошқарув Раиси (аъзоси) томонидан берилган аризага асосан;
- Бошқарув Раиси (аъзоси) Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;
- Бошқарув Раиси (аъзоси) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса;
- Бошқарув Раиси (аъзоси) билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда.

2.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув Раиси (аъзоси) билан шартномани тугатиш (бекор қилиш) ва Банк Кенгаши томонидан Бошқарув Раиси (аъзоси) билан шартномани муддатидан илгари туатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.12. Суд Банк Бошқаруви аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.”.

## **7. Низомнинг 2.15 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.15. Бошқарув аъзосининг ваколатлари Банк ваколатли бошқарув органи қарорида белгиланган санадан, белгиланмаган тақдирда эса унинг тегишли қарори қабул қилинган кундан ёки ушбу Низомнинг 2.14-бандида назарда тутилган ҳолатда меҳнат шартномаси (келишуви) тугатилган кундан ҳисобланади.”.

## **8. Низомнинг 3.2 банди қуйидаги таҳрирдаги 22-хатбоши билан тўлдирилсин:**

“Банкнинг обрў-эътибор хатарларини бошқариш;”.

**Низомнинг 3.2 бандининг 22-28-хатбошилари тегишли 23-29-хатбошилари деб ҳисоблансин.**

**9. Ушбу ўзгартиришлар Банк уставига 8-сонли ўзгартиришлар ва кўшимчалар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб кучга киради.**